

# Qumqo'rg'on sadosi

Xalq deputatlari Qumqo'rg'on tuman Kengashi va tuman hokimligining nashri

30 Avgust 2022 yil. № 24 (3283)-son

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 1978 yildan chiqa boshlagan

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ШОДИЁНАСИ

**“Алпомиш” спорт мажмуасида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 31 йиллиги кенг нишонланди**

Дилларга хузур, чехраларга кулгу улашган Истиклол айёмининг асосий тантаналари ўтайдиган ям-яшил ўйингоҳ байрамона безатилди. “Мустақиллик байрами муборак бўлсин!”, “Янги Ўзбекистон”

тимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни юксак мукофотлар билан тақдирлаганини мамнуният билан айтди. Тумандошимиз “Ниёзов Аб-

бадий гимнастика, таэквандо, футбол каби қатор спорт турларининг усуллари намойиш этилди. Спортчиларнинг хилма-хил спорт кийимлари, абжирлиги, спорт усуллари маҳорат билан ўрғаниб, амалда намойиш этаётганлиги кўзларни қувонтирди, тинч ва обод Ватанда яшаётганлигидан фахрлишини кўрсатди. Давлатимиз чегараларида юртимизни мардонавор қўриқлаётган ҳарбийлар қўл жанги машқларини моҳирона бажарди. Уларнинг мардлиги, уddaбуронлиги, чаққонлиги, жасурлиги ва қўрқмаслиги ёшларда яхши таассуротлар қолдирди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Жанубий-



Фарбий махсус ҳарбий округига қарашли 3-батальон ҳарбий қисм аскарларининг байрамга бағишланган чиқишлари ҳам барчага яхши кайфият бағишлади. Улар ҳарбий қуролларни ишлатиш, душман ҳужумидан ҳимояланиш, бардошлилик, техноген вазитларда ҳаракатланиш усуллари на-

мойиш қилиб шодиёнага ўз ҳиссаларини қўшди.

Туман маданият бўлимига қарашли маданият марказлари санъаткорларининг катта концерт дастури ҳар жиҳатдан мукамал ва янгича кўринишда эканлиги файзли бўлди. Хушовоз суҳандонлар, туманимиз фахри Аҳмад Тўхтаев ва Насиба Соҳибованинг назмий табриклари, дилтортар бошловчилиги билан байрам дастурига мазмун олиб кирди. 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари Б. Халилов, Д. Раҳмонов, ўқитувчи М. Жўраев, 20-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Ж. Эшқобилов, “Маҳлиё”, “Боботоғ гуллари”, “Ўтов” фольклор-этнографик ансамбиллари иштирокчилари ва раҳбари А. Тўхтаев, “Ўзбекистон”

маданият марказидан Д. Рустамов, “Марказий” маданият марказидан Б. Бердишукуров, З. Қудратова, Ч. Муҳаммадиев, Ш. Номозов, “Бойчечак” болалар ижодий жамоаси, шаҳар маданият марказидан Б. Холмаматов, тўғрақ раҳбари Н. Хурсанова, “Ўзбекистон” маданият маркази санъаткори, “Жалоир” ма-

ва нафис рақслари билан мухлислар қалбидан жой олди.

Катта концерт дастурида республикамизда таниқли бўлган санъаткорларга кенг ўрин берилганлиги кўшиқ шинавандаларини мамнун этди. Ўзбекистон эстрадасининг ёрқин юлдузи Ҳадичахоним Курбонова, чет эл-



тон ёшлари бирлашайлик! ширлари гуллар билан безатилган сахнага фусункорлик, чирой, мазмун бағишлади. Тумандошларимиз ва меҳмонларнинг нигоҳи, эътибори байрам дастурига қаратилди. Туман ҳокими А. Нормаматов барчани энг улуг, энг азиз байрам билан табриклаб, амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Жумладан, давла-

дулқосим” хусусий корхонаси бошлиғи Ниёзов Абдулқосим Алишерович “Шухрат” медали билан мукофотланганини фахр-ифтихор билан таъкидлади.

Истиклол шодиёнаси ҳар бир инсонни қувонтирди. Улар ўз хурсандчиликларини юртимиз байроғини баланд ҳилпиратиб, олқишлаб ифодалади. Ёш спортчиларнинг кўргазмалари чикишларида кураш, бокс, баскетбол,



даният маркази раҳбари Б. Нурманова, “Янгиер” маданият маркази филиали мудир Ш. Холиқов турли хил рақслари ва кўшиқларини ижро этиб томошабинларни хурсанд қилди. Устоз санъаткорларнинг ёш истеъодларига қобилиятларини ривожлантириш учун амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари байрам тантанасида яққол кўринди. Кўпгина ёш истеъод соҳиблари хушовоз ижрочилиги

ларда кўп гастролларда қатнашган, халқаро танловларнинг голиби “Шаҳризода” гуруҳи санъаткорлари, уч хушовоз кўшиқчилар ўз репертуарларини куйлаб санъат мухлисларига армуғон этди. Байрам тантаналари барчага хурсандчилик улашганлиги билан ёдда қолди.

Н. МУҲАММАДИЕВ

## НУРОНИЙЛАРГА МЕҲР, САХОВАТ КЎРСАТИЛДИ

Тумандошларимиз Истиклол айёмини хурсанд кутиб олди. Нурунийларнинг чехрасидаги табассум ободлик, осойишталик барқарорлигидан қониқиб қолганини ифодамоқда. Туман ҳокимлиги узоқ йиллар фаол меҳнат қилиб кексалик гаштини сураётган нурунийларга чексиз эҳтиромини кўрсатди.



Мустақиллик байрамининг 31 йиллиги муносабати билан нурунийларни “байрам оши”га тақлиф қилди. “Турон кафе”да дастурхонларга мева-сабзовотлар, ширинликлар, салқин ичимликлар, миллий таом – палов тортиқ этилди. Туман маданият бўлими санъаткорлари ва республикада таниқли санъаткор Ферузобону мазмунли кўшиқларини ижро этди. Нурунийлар кўрсатилган меҳр, саховотдан мамнун бўлди.

## Эҳтиром эътибордан бошланади

Мустақиллик байрами шодиёналарида меҳр-муруватга ташна ногиронлар ҳам иштирок этди. Туман ногиронлар жамияти раиси Ибодулло Азимов тумандаги ижтимоий кўмак муҳтож 120 нафар фуқаролар учун байрам дастурхони ёзди. “Элёрбек кафе”га тақлиф қилиб, улар билан Мустақиллик байрамининг 31 йиллигини қизгин нишонлади. Қатнашувчилар илтифотдан мамнун бўлишди. Саховатли боғбонлар ва соҳибкорлар етиштирган мева-сабзовотлар, тадбиркорлар ишлаб чиқарган ширин ичимликлар, пазанда ошпазлар пиширган палов уларга хурсандчилик улашди. Куй-қўшиқлар янграб байрам шукуҳини қалбларга сингдирди.

Ўз мухбиримиз



Қумқўргон ногиронлиги бўлган болалар учун “Мурувват” интернат уйида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллик байрами муносабати билан васийликка олинган болажонлар ва тарбиячилар иштирокида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Сурхондарё вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Х. Мамааражабов, Қумқўргон туман ҳокими ўринбосари М. Қултоев, Ўз ХДП Қумқўргон туман кенгаши, “Жалоир” маданият маркази ходимлари, “Мурувват” интернат уйи тарбиячилари ва васийликка олинган болажонлар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

“Мурувват” интернат уйи тарбияланувчилари ва тарбиячилари иштирокида “Дўмбирачи” кўшиғига Сурхонча рақс, “Янги Ўзбекистон” кўшиғига рақс ва тарбияланувчи Менгортқов Хусан ижросида “Сурхондарёмсан” ва “Мендурман ўша” кўшиқлари ижро этилди. Тадбир давомида 3-бўлим ўғил болалари иштирокида спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Тадбир болаларнинг мустақиллик байрами муносабати билан ёдлаган куй-қўшиқ ва тайёрлаган сахна кўринишларига уланди.

Ташриф буюрган санъаткорлар томонидан ижро этилган шўх куй-қўшиқлар эса байрам тадбирини янада файз бағишлади.

Тадбир сўнггида янграган куй-қўшиқларга болажонлар рақсга тушишди ва тадбир бир оз бўлсада болажонларнинг хурсанд бўлишига замин яратди. Тадбир юқори даражада ўтказилди.

Қумқўргон ногиронлиги бўлган болалар учун тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари

Тимур Шайманов,

“Мурувват” интернат уйи ўқув-

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ

Қумқўргон шаҳар маданият марказида педагогларнинг “Устозлар Миллий форуми-2022” тадбири кўтаринки кайфиятда амалга оширилди. Фойеда туман халқ таълими бўлими, туман “Барқомол авлод” болалар мактаби, туман ахборот-кулубона маркази ташкил этган ютуқлар кўргазмалари ўқитувчи ва мураббийларга завқ бағишлади. Концерт зали сахнасида 3-мактаб ўқувчилари миллий ва хинд рақсларини ижро этди. 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Жасурбек Турдиев шўх кўшиқларни куйлади.



Туман ҳокими Анвар Нормаматов 2022-2023-ўқув йили бошланиши муносабати билан маъруза қилиб, таълим муассасаларида амалга оширилган бунёдкорлик, реконструкция, капитал таъмирлаш, фан кабинетларини жиҳозлаш, ўқитувчилар ва мураббийларнинг намунали ишлаши, ўқувчиларга таълим-тарбия ўргатиш учун моддий-маънавий шароитлар яратилганлиги, ўқитувчиларнинг иш ҳақлари ошаётганлиги, мажбурий меҳнатга жалб этмаслик ҳақида атрофлича гапирди. Шундан сўнг таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга узоқ йиллар хиссасини қўшган меҳнат фахрийларига тўнлар топширилди. Меҳнат ютуқларига эришган бир гуруҳ фан ўқитувчилари туман ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Мактаб ўқувчиларининг “Умуд ниҳоллари” спорт мусобақасида эришган натижалари ҳам эътироф этилди. Улар фахрли ўринларни эгаллагани учун туманимизга 418 миллион сўм пул ўтказилди. “Умид ниҳоллари” мусобақасининг республика ва вилоят босқичларида фахрли I, II, III ўринларини эгаллаган мактаб ўқувчилари дипломлар, медаллар, компьютерлар, телевизорлар, велосипедлар билан мукофотланди.

Н. МУҲАММАДИЕВ





**Денов тумани. Кундан кунга замон талаблари асосида ривожланиб бораётган, аҳоли фаровонлиги учун кенг шароитлар яратилган воҳадаги туман саналади. Биргина экспорт бўйича туманда 2022 йилнинг январь-август ойлари учун экспортёр корхоналар томонидан 13,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, шундан 9,9 миллион АҚШ доллар мева-сабзавот маҳсулотлари, 3,2 миллион АҚШ доллар саноат маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.**



Жорий йил етти ой давомида 1 та корхона ҳисобидан 5,0 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, январь-июль ойларида 18 та корхоналар ҳисобидан амалда 22,6 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва хорижий кредитлар ўзлаштирилди. Бу каби ўзгаришлар билан оммавий ахборот воситалари ходимларини таништириш мақсадига Денов тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2022 йил 1 чорагида Денов туманида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ва медиа-тур ташкил қилинди.

Дастлаб, Денов тумани ҳокимлигида журналистлар ва блогерлар учун матбуот анжумани ташкил қилинди. Унда Денов тумани ҳокими Абдумалик Алламурадов бошчилигида туман ҳокими ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиги Шавкатулло Сатторов, туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Шарофиддин Лолаев инвестициялар ва ташқи савдо маҳсулотлари, автомобиль йўллари тармоғидаги ишларни жадаллаштириш, экология талабларига жавоб бермайдиган маиший қиндикларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камай-

тириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича туманда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар айтиб ўтишди. Шундан сўнг, журналистлар ўзларини кизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Туманда 2022 йилда умумий қиймати 728 миллиард 679 миллион сўмлик, шундан ўз маблағи 293 миллиард 615 миллион сўм, банк кредити 315 миллиард 905 миллион сўм, хорижий кредит 2 миллион 232 минг доллар, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 8 миллион 700 минг доллар 97 та лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 1 962 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган, дейди туман ҳокими ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиги Шавкатулло Сатторов. Жорий йил январь-август ойларида умумий қиймати 129 миллиард 97 миллион сўмлик шундан ўз маблағи 51 миллиард 873 миллион сўм, банк кредити 72 миллиард 25 миллион сўм, хори-

#### КЕНГ КЎЛАМЛИ ЛОЙИХАЛАР САМАРАСИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ГАРОВИ

Жорий йилнинг январь-август ойларида умумий қиймати 144 миллиард 72 миллион сўмлик шундан ўз маблағи 69 миллиард 838 миллион сўм, банк кредити 66 миллиард 855 миллион сўм, хорижий кредит 316 минг долларлик 36 та лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 313 та янги иш ўринлари яратилди. Улар қаторида "З.М.Бобур" маҳалласидаги "Регтер" МЧЖ да томонидан умумий қиймати 16,5 миллиард сўмлик шундан хорижий инвестициялар 1,5 миллион доллар



## ЯНГИЛАНАЁТГАН ДЕНОВНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

амаля оширилаётган лойиҳалар кўлами ва самараси билан таништириш мақсадида ОАВ вакиллари учун медиа-тур ташкил қилинди. Илк манзилда туман ҳокими ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиги Шавкатулло Сатторов туманининг иқтисодий салоҳияти, барча табиий ерусти ва ерошти бойликлари, географик жойлашуви, экспорт бозорларининг яқинлиги ва бошқа имкониятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда аниқ лойиҳаларни шакллантириш учун барча шароитлар яратиш мақсадида ҳокимлик биносида ташкил қилинган "Лойиҳа гуруҳи" билан таништириди. Айтиш керакки штабда тумандаги жами 98 та маҳаллаларда таъсис этилган 98 та ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир маҳалланинг "драйвер" соҳасидан келиб чиққан ҳолда умумий қиймати 441 миллиард сўмлик 294 та лойиҳа голялари шакллантирилиб келинмоқда.

"Семечка ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Кенг кўламли лойиҳа асосида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Медиа-тур иштирокчилари ушбу корхонадаги ва Туркистон кўчасида жойлашган Чипс маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Сомон турон" МЧЖда маҳсулотларни қадоқлаш ва ишлаб чиқариш жараёнлари, шароитлар билан танишди.

Шу билан бирга, медиа –тур иштирокчилари "Истиқбол" маҳалласидаги Поябзал ишлаб чиқарадиган "Денов равнак камол" ХК да, "Водий" маҳалласидаги қиймати 2,5 миллиард сўмлик "Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошираётган "Саодат Денов Текстиль" оилавий корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Шундан сўнг навбатдаги манзилда ОАВ вакиллари кичик ва ёшлар саноат зоналарида ташкил қилинган "Асал ҳамда МДФ эшиклар ишлаб чиқаришни ташкил этиш" ва "Ав-

томобиллар учун чехол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳалари билан яқиндан танишди.

Туманда жами 2 та кичик саноат зона, 1 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси, 1 та Эркин иқтисодий зона ташкил этилган-дейди Денов тумани ахборот хизмати раҳбари Феруза Тўраева. 2021 йилда Буюк келажак маҳалласида жойлашган жами ер майдони 1,1 гектардан иборат кичик саноат зонасида умумий қиймати 10 миллиард 500 миллион сўмлик, шундан ўз маблағи 5 миллиард 450 миллион сўм, банк кредити 5 миллиард 50 миллион сўмлик 8 та лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 118 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Ушбу лойиҳалар 2022 йилнинг III чораги якуни билан ишга туширилиши кўзда тутилган. Шундан, "Денов хоней" МЧЖ томонидан умумий қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган "Асал ҳамда МДФ эшиклар ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилиши

натижасида 15 та янги иш ўринлари, "Қурбонали текстиль" оилавий корхонаси томонидан умумий қиймати 3,5 миллиард сўм бўлган "Автомобиллар учун чехол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 35 та янги иш ўринлари яратилди.

#### ОНА ТАБИАТ БАҒРИДА АСРАЁТГАН МЎЪЖИЗАСИ "ПОЖУР"

Денов тумани марказидан 50 км узоқликда чекка тоғлар бағрида жойлашган "Пожур" маҳалласи. Бир қарашда тоғлар оралаб бориш қийиндек туюлади инсонга. Лекин атрофдаги манзара, табиат бағрида асраётган бу маҳаллани кўриш ва шароитлар билан танишиш ҳар бир инсон учун қизиқ. Шу сабабдан медиа-тур давомида куннинг иккинчи қисмида оммавий ахборот воситалари ходимлари ушбу қишлоқ томон йўл олишди.

Чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли

олдинлари йўллар сабаб айниқса қиш фаслида қийналишган бўлса, бугунги кунга келиб, яратилган шароитлар сабаб қийинчиликлар бартараф этилган. Жумладан, маҳаллага олиб борувчи тоғ йўлларида 7 километрлик ички йўли таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Йўллар тошлаб берилди. Узок йиллар фойдаланишга яроқсиз бўлиб келган эски кўприк ўрнига 2021 йилда 6 миллиард бюджет маблағлари асосида кўприк қурилди. Маҳаллада 1183 нафар аҳоли истиқомат қилиб, шундан 250 нафарини ёшлар ташкил қилади. Улар учун қишлоқда 16-сонли мактаб мавжуд бўлиб, эски ҳолатдаги 140 ўринли мактаб биноси қайта таъмирланди. Ёнидан қўшимча 120 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мактаб барча замонавий ахборот технологиялари ва жиҳозлар билан таъминланган. Тоғ оралаб мактаб биносига етиб борар эканмиз янгиланишларни журналистлар ўз кўзлари билан кўриб гувоҳ бўлишди. Маҳаллада байрам шукуҳи ҳозирданок бошланганлиги сезиш қийин бўлмади. Шодон маҳалла инсонлари қишлоқ билан таништирар экан, уларнинг фаровон яшашлари учун яратиб берилган шароитлар ва муражатлари ўз вақтида бартараф этилганлигидан миннатдор эканлигини яширмади. Медиа-тур қатнашчилари олис тоғ бағридаги маҳалладаги бу каби ўзгаришлар билан танишиб, бир олам таассурот билан ортга қайтишди.

**Мастура Хамраева, ЎзЖУ Сурхондарё вилоят бўлими мутахассиси**

## Мустақиллик менинг тақдиримда



Киши ўз юртини севса, туғилиб ўсган заминга меҳр қўйса, касбда унум, оиласида тинчлик-хотиржамлик бўлади. Мен жонажон Ватанимнинг сўлим гўшаларидан бири, меҳмондўст ва самимий халқи билан ажралиб турадиган Сурхондарё вилоятида таваллуд топганимдан ғурурланаман. Халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг мазмун ва моҳиятини ҳар томонлама билиш, уни замондош онгига сингдириш ва фуқароларда мустақил ҳаётда эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш тафаккурини шакллантириш бугунги тобора глобаллашиб бораётган жараёнларга тўла замонда катта аҳамиятга эга.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши халқимизнинг тарихий галабаси бўлиб, ўтган ўттиз бир йил мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан вилоятимизда ҳамда туманимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида бахтли келажакимизни кўришимиз мумкин. Доим ривожланишда давом этиб улкан марраларни забт этайлик. Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

**Зулфия Дагарова,**  
Кумкўрғон ногиронлиги бўлган болалар учун "Муруват" интернат уйи директори

Ватанга меҳр, Ватанга ҳурмат, Ватан соғинчи ҳақида шунчаки дарс ўтиб бўлмайди. Бу буюк туйғуларни болаларимизга сингдириш учун аждодларимизнинг ўтмиши, шарафли ва оғриқли хотиралар, буюк тарихимизнинг Мустақилликдан то Мустақилликка эришгунча бўлган ҳар бир йўлни тасаввур қилдириш, ҳис қилдиришимиз керак.

Сўнги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлардан бири бу – «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши бўлди. Мазкур Қонунга асосан ўз фаолият кўрсатаётган 33-мактабимизда ҳам ўқувчи ёшларимиз ва барча педагоглар учун улкан имкониятлар яратилган. Зеро, Президентимиз таъбирлари билан айтганда Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади.

Барча тумандошларимизга байрам муборак бўлсин, ҳар бир кунимиз қувончи лаҳзаларга бой бўлиб, ёшларимиз улкан муваффақиятларга эришишдан тўхташмасин.



**Э. Эргашев,**  
тумандаги 33-мактаб директори



Мустақиллик – энг олий неъмат! Халқимизнинг азалий орзуси бўлган мустақиллик туфайли ўз эркимизга, эътиқодимизга, ўзимизнинг мустақам тараққиёт йўлимизга эга бўлдик. Истиқлолимизнинг ўтган 31 йили жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислохотлар даври бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Жаннатмакон юртимиз Ўзбекистон дунёдаги энг бунёдкор давлатлардан бирига айланди. Ўқувчиларимизнинг, спортчиларимизнинг кўлга киритаётган ютуқлари, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб, юртимиз қиёфаси, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод масканга айланиб бораётгани мустақиллик шарофатидир. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан барча соҳаларга бирдек эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасида, тиббиёт йўналишида, тадбиркорлик йўналишида катта имтиёзлар яратилмоқда. Ёшларимизнинг таълим-тарбия олишлари учун кундан кунга янгиликлар яратилмоқда. Айниқса таълим олиш йўлида хотин-қизларга имтиёзлар қўлланилиши йўлга қўйилди. Бугунги куннинг бахтли ёшлари замонавий таълим даргоҳларида ўқишмоқда. Сўнги беш йилда сиёсий партиялар фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар кузатилди. Депутатларнинг ваколати кенгайди. Депутат ва халқ ўртасида ишонч пайдо бўлди. Мана шундай фарахбахш кунларимизга сабабчи бўлган Мустақиллик айёми барчамизга муборак бўлсин.

**Курбан Чоршанбиев,**  
Халқ депутатлари Кумкўрғон туман Кенгаши котибият мудир

#### МУАССИС:

Халқ депутатлари Кумкўрғон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Бош муҳаррир:  
**Райҳон МЕНГЗИЯЕВА**

Масъул котиб:  
**Н. Муҳаммадиев**

Веб сайтимиз:  
[qumqurgon.uz](http://qumqurgon.uz)  
Телефон 90-074-92-05  
E-mail:  
[Kumqurgon\\_sadosi@mail.ru](mailto:Kumqurgon_sadosi@mail.ru)

Таҳририят манзили:  
**Кумкўрғон шаҳри,**  
**Ўзбекистон шоҳ кўчаси.**

Газета "Кумкўрғон садоси"  
таҳририят компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: **Т. Назаров.**

Босишга топшириш вақти **10.00**  
Топширилди **10.00**  
Бизнинг нашр кўрсаткичимиз **64831**  
Сотувда эркин нарҳда

Газета "Surxon tongi" ва "Заря Сурхана"  
газеталари таҳририят босмаханасида  
буюртма асосида А-2 ҳажмда  
2500 нусхада чоп этилди.

Буюртма № \_\_\_\_\_  
Босмахона манзили:  
**Термиз шаҳри, Шукрона кўчаси, 19-А уй.**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2012 йил  
2 февралда № 11-042 рақам билан рўйхатга олинган.